

**ГЛОБАЛ ИННОВАЦИОН ИНДЕКС МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИ  
НАТИЖАСИ СИФАТИДА****Вохидова Мехри Хасановна**

Тошкент давлат шарқшунослик университети “Ташқи иқтисодий фаолият ва туризм”

кафедраси доценти, PhD

[mehrivoxidova@gmail.com](mailto:mehrivoxidova@gmail.com)<https://doi.org/10.5281/zenodo.10137885>

*Аннотация.* Ушбу мақолада Глобал инновацион индекс натижаларига мамлакат ижтимоий-иқтисодий сиёсати бевосита таъсир этиши ўрганилган.

*Калит сўзлар:* Глобал инновацион индекс, иқтисодий сиёсат, “Doing business”, АҚШ, инновациялар, бизнес.

**Кириш**

Бугунги кунда иқтисодий ўсишнинг янги сифати – инновациялар иқтисодиёти, илмий-техник ва технологик тараққиётнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсири тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳон миқёсида мамлакатларнинг инновационлик даражаси ва миллий инновацион тизимининг қай даражада тараққий этганлиги иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, шунингдек иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошликни таъминлашнинг асосий омилларидан бирига айланган. Ушбу натижаларни мамлакатларнинг Глобал инновацион индексдаги ўрни ва кўрсаткичларида ҳам кузатиш мумкин.

**Мавзунинг ўрганилган даражаси**

21 асрда инновацион иқтисодиёт, рақамли технологиялар кўплаб илмий тадқиқотларнинг марказига айланиб бўлган.

Юнфу Ху ва Аия Ли [2] томонидан олиб борилган тадқиқотларда инсон кариталининг ривожланиши мамлакатнинг инновационлигига таъсир кўрсатиши айтиб ўтилган. Қай бир мамлакатда квалификация кадрларнинг етишмаслиги мавжуд бўлса, иқтисодий ривожланиш даражаси ҳам юқори бўлмаслиги, тадқиқот натижасида аниқланган.

Merve Doğruel Anuşlu, Seniye Ümit Fırat лар томонидан олиб борилган тадқиқотларда [3] халқаро инновацион индекслар орқали мамлакатлар ўзларининг иқтисодиётини ва бизнеснинг ривожланиш ҳолатини баҳолаш имконига эга бўлишини айтиб ўтилади.

Satish Nambisan, Mike Wright, Maryann Feldman ларнинг тадқиқотлари натижасида [4] рақамли технологиялар, платформалар ва инфратузилманинг ривожланиши инновациялар ва тадбиркорликнинг бошқа кўриниш касб этишига олиб келганини исботлаб беради.

Мавзу доирасида олиб борилган тадқиқотлар муаллиф томонидан ўрганилди, аммо ўрганилган тадқиқотларда бизнес, инновацион фаолият ва рақамли иқтисодиётнинг боғлиқлиги ўрганилган тадқиқотлар учрамади.

**Тадқиқот методологияси**

Мавзу доирасида олиб борилган тадқиқотларни кенг тадқиқ этишда индукция, дедукция ва илмий абстракциялаш сингари усуллардан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар**

Глобал инновацион индекс жаҳон хўжалигидаги мамлакатларнинг инновацион ривожланиш кўрсаткичларини таҳлил ва синтез қилиб борадиган асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Ушбу индекс кўрсаткичи қуйидаги позициялар бўйича шакллантирилади:

1. Инновацион фаолиятни олиб бориш учун шарт-шароитнинг етарлилиги:

- Институтлар;
- Инсон капитали ва тадқиқотлар;
- Инфратузилма;
- Ички бозорнинг ривожланиши;
- Бизнеснинг ривожланганлиги.

2. Инновацияларни амалга ошириш учун олиб борилган амалий тадқиқотлар:

- Технологиялар ва билимлар иқтисодининг ривожланганлиги;
- Ижодкорлик фаолиятининг натижалари.

Ушбу рейтинг 100 балли тизим асосида баҳоланади.

2019 йил кўрсаткичларига кўра Швейцария ушбу рейтингда 67,2 балл билан 1 ўринни эгаллаган.

**1-жадвал Глобал инновацион индекс-2022 йил кўрсаткичларидаги 1-ўнτάлик мамлакатлар[5]**

РЕЙТИНГ	ИҚТИСОДИЁТЛАР	КИРИШ	ЧИҚИШ	ЖАМИ
1	АҚШ	9	6	15
2	Сингапур	8	3	11
3	<b>Хитой</b>	<b>3</b>	<b>6</b>	<b>9</b>
4	<b>Гонконг</b>	<b>6</b>	<b>3</b>	<b>9</b>
5	<b>Исроил</b>	<b>7</b>	<b>2</b>	<b>9</b>
6	Мальта	4	4	8
7	Корея Республикаси	4	3	7
8	Япония	3	3	6
9	Кипр	4	2	6
10	<b>Швейцария</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>5</b>

ГИИ ҳисоб-китоби натижаларига кўра, иккинчи йил кетма-кет энг инновацион иқтисодиётга эга мамлакат Швейцария, ундан кейинги ўринларда АҚШ, Швеция, Буюк Британия, Нидерландия, Корея Республикаси, Сингапур, Германия, Финляндия, ва Дания.

2022 йилдаги рейтингда Хитой 11-ўринга кўтарилди, Туркия ва Ҳиндистон мос равишда 37 ва 40-ўринларда, Россия эса 47-ўринни эгаллади. Бугунги кунда инновацион кўрсаткичлар бўйича энг тез ўсиш кўрсаткичларига эга ўртача даромадли мамлакатлар Ветнам (48-ўрин), Эрон Ислом Республикаси (53-ўрин) ва Филиппин (59-ўрин) бўлди.

Бир қатор ривожланаётган мамлакатларнинг инновацион кўрсаткичлари кутилганидан юқори бўлди. Қуйидаги давлатлар ишончли ўсиш кўрсаткичларини кўрсатди: Индонезия, Ўзбекистон, Покистон, Кения, Руанда, Мозамбик, Перу ва Ямайка. Шунга қарамай, мамлакатлар рейтинги технологик ривожланишдаги "Шимол" ва "Жанубий" ўртасидаги узоқ йиллик анъанавий тафовутни акс эттиради. ГИИ яратувчилари ўз ҳисоботларида яна бир йил давомида инновацион фаоллик даражаси бўйича дунё минтақалари рейтингида ўзгаришлар кузатилмаганини таъкидлади. Шимолий Америка ва Европа етакчилик қилишда давом этмоқда, ундан кейин Жануби-Шарқий Осиё, Шарқий Осиё ва Океания, узоқроқда эса Шимолий Африка ва Ғарбий Осиё, Лотин Америкаси ва Кариб денгизи, Марказий ва Жанубий Осиё ва Саҳрои Кабирдан жанубий Африка [1].

Олинган маълумотларни таҳлил қилиб, ГИИ 2022 ҳисоботи муаллифлари инновацион ўсишнинг келажаги ҳақида иккита мумкин бўлган йўналишни келтирди:

1. Суперкомпьютерлар, сунъий интеллект ва автоматлаштириш томонидан бошқариладиган рақамли аср инновацион тўлқини, бу барча соҳаларда самарадорликка таъсир қилиши ва асосий фанларда илмий ютуқларга эришишга ёрдам беради;

2. Соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат, атроф-муҳит ва ҳаракатчанлик каби соҳаларга таъсир кўрсатадиган биотехнология, нанотехнология, янги материаллар ва бошқа фанлардаги ютуқларга асосланган Deep Science инновация тўлқининг кучайиши.

ГИИ рейтингида биринчи ўнлик мамлакатлар ҳисобланадиган АҚШнинг инновацион сиёсати қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- Федерал лабораторияларнинг ривожланиши. Ушбу лабораториялар вазирликлар томонидан молиялаштирилиб, тадқиқот марказлари вазифасини бажаради;

- Тадқиқотлар академик таълимни ривожлантириш орқали инновацион фаолият ривожланади. Ушбу йўналиш давлат томонидан амалга оширилиб, талабалар фундаментал тадқиқотларга жалб қилинади;

- АҚШда ишлаб чиқарилган технологиялар бошқа мамлакатларга трансфер қилинади. Ушбу йўналиш АҚШда ишлаб чиқарилган технологияларнинг кенг ёйилиши учун имконият яратади.

- Худудларнинг маълум тадқиқот ёки ишлаб чиқариш тармоғига ихтисослашуви;

- Инновацион кластерларнинг ривожланиши. Ушбу йўналиш ишлаб чиқариш ва тадқиқотнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш билан бирга инвестицияларни жалб қилишда муҳим аҳамият касб этади;

- Инсон капитали. Замонавий АҚШ ривожланишининг асосий тамойилларидан бири - инсон капиталини ривожлантириш. Ушбу йўналиш махсус таълим муассасалари ёки алоҳида касб эгаларининг қўллаб-қувватланиши орқали амалга оширилади.

- Миграцион сиёсат. Ушбу йўналиш илмий-тадқиқот олиб бориш лаёқатига эга ёки юқори малакали кадрларнинг мамлакатга келиши, яшаши ва уй-жой билан таъминланишининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини ўз ичига олади.

АҚШда инновацион иқтисодиётнинг ривожланишига асосий сабабчиларидан яна бири - мамлакатдаги технопарклар ва инновацион фаолиятни амалга оширувчи йирик компаниялар ҳисобланади.

Жумладан, АҚШдаги йирик технопарклардан бири Силикон водийсида тўлов тизимларидан тортиб тил таржимонларигача оид бўлган рақамли-инновациялар яратилади. Жаҳоннинг энг машхур Google, IBM, Facebook, Microsoft сингари рақамли-инновациялар соҳасида фаолият олиб борувчи компаниялари АҚШда фаолият олиб боради. Энг қизиқарли жиҳати шундаки, АҚШда инновациялар ишлаб чиқаришни молиялаштиришнинг аксарият қисми йирик бизнес томонидан амалга оширилади.

Zenith Optimedia[8] томонидан энг йирик 30 медиакомпаниялар рўйхати тузилди. Унга мувофиқ Google, Walt Disney Company, DirecTV, 21st Century Fox, Comcast сингари кучли бешликдан жой олган компанияларнинг барчаси АҚШда жойлашган.

Форбес тадқиқотларида ҳам Google, Intel, Walt Disney сингари компаниялар ҳам кучли ўнлик рўйхатидан жой олган.[9]

Глобал инновацион индекс маълумотларига кўра ИТга АҚШда давлат ва бизнес томонидан сарфланган харажатлар 511 **миллиард** долларни ташкил этган. Alphabet, Microsoft сингари компанияларнинг бу кўрсаткичи улуши 32 **миллиард** доллар ташкил этган[10].

## 2-жадвал Ўзбекистон 2015-2022 йилларда ГИИ индексидаги ўрни

Йил	Ўрин	Innovation input	Innovation output
2015	122	112	127
2020	93	81	118
2021	86	75	100
<b>2022</b>	<b>82</b>	<b>68</b>	<b>91</b>

Ўзбекистон кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак, мамлакат 2022 йилда 122-ўринни, узок танаффусдан кейин, 2020 йилда 131 та давлат орасида 29 поғонага юқорилаб, 93-ўрин билан ушбу рейтингга қайтган эди.

2022 йилда эса, бу рейтингда умумий 4 поғонага кўтарилиб, “инновацияларни жорий этиш учун мавжуд ресурслар ва шароитлар” (Innovation Input – Кириш индекси) бўйича 7 поғона кўтарилгани – 68-ўрин, “инновацияларни жорий этишда эришилган амалий натижалар” (Innovation output – Чиқиш индекси) бўйича 9 поғонага юқорилагани – 91-ўрин қайд этилмоқда.

Мамлакатнинг кадрлар сиёсати унинг фан ва технологиялари даражаси билан бевосита боғлиқ бўлади. Айни пайтда мамлакатда юқори технологияли, илмий асосланган ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш учун юксак малакали мутахассисларга нисбатан эҳтиёж бор. Бунинг сабаби — иқтисодийнинг юқори технологияли ишлаб чиқаришлар мавжуд бўлган тегишли тармоқларида инновацион иқтисодий талабларига мос тарзда ишлай оладиган кадрларнинг йўқлигидадир.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда олинадиган халқаро патентлар сони кам. Интеллектуал мулк агентлигида илмий фаолият натижалари бўйича йилига ўртача 1200 та интеллектуал мулк объекти рўйхатган ўтказилади, шулардан 190 таси ихтиролардир. Агарда бир йилда амалга ошириладиган илмий лойиҳаларнинг ўртача сони (1750 та) эътиборга олинса, 10-15 фоиздан камроқ лойиҳалар ихтиро билан тугайди.

## Хулоса ва таклифлар

Олиб борилган тадқиқот натижасида муаллиф томонидан қуйидаги хулосалар олинган:

- мамлакатда бизнеснинг ривожланиши инновацияларнинг ишлаб чиқарилишини тезлаштирса, инновацияларнинг ривожланиши мамлакатда рақамлаштиришнинг кучайишига сабаб бўлади;

- инновацион жараёнлар фақатгина давлат ёки давлат **муассасалари** томонидан молиялаштирилади, деган фикрлар замонавий иқтисодиётда ўз аҳамиятини йўқотган бўлиб, бизнес ҳам инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга [11];

- инсон капитали инновацион иқтисодиётни ривожлантиришдаги **ЭНГ** муҳим омил. Хулосалардан келиб чиққан ҳолда, қуйидагилар таклиф этилади:

1. Ўзбекистон инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда йирик бизнес субъектларидан восита сифатида фойдаланиш зарур. Йирик бизнес субъектлари инновацияларни молиялаштириш имкониятига эга тузилмалар ҳисобланади;

2. Ўзбекистондаги университет ва уларнинг талабаларига фундаментал лойиҳаларда иштирок этиш имконини бериш ва тадқиқотларни тижоратлаштиришнинг замонавий йўналишларини ишлаб чиқиш зарур.

## REFERENCES

1. Глобальный инновационный индекс — 2022. <https://issek.hse.ru/news/777572032.html>
2. Yunfu Xu, Aiya Li, (2020). The relationship between innovative human capital and interprovincial economic growth based on panel data model and spatial econometrics, Journal of Computational and Applied Mathematics, Volume 365, 2020, 112381, ISSN 0377-0427, <https://doi.org/10.1016/j.cam.2019.112381>. (<http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S037704271930384X>)
3. Merve Doğruel Anuşlu, Seniye Ümit Fırat (2019). Clustering analysis application on Industry 4.0-driven global indexes, Procedia Computer Science, Volume 158, 2019, Pages 145-152, 1877-0509, <https://doi.org/10.1016/j.procs.2019.09.037>. (<http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1877050919311950>)
4. Satish Nambisan, Mike Wright, Maryann Feldman. (2019). The digital transformation of innovation and entrepreneurship: Progress, challenges and key themes, Research Policy, Volume 48, Issue 8, 2019, 103773, ISSN 0048-7333, <https://doi.org/10.1016/j.respol.2019.03.018>. (<http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0048733319300812>)
5. INSEAD, WIPO, Cornell University: The Global Innovation Index 2019.
6. <https://russian.doingbusiness.org/ru/rankings>
7. <https://hbr-russia.ru/innovatsii/issledovaniya/818884>
8. ZenithOptimedia: Топ-30 крупнейших медиакомпаний мира <https://adindex.ru/news/media/2014/05/7/109946.phtml>
9. Forbes опубликовала рейтинг 100 крупнейших цифровых компаний. <https://novostivl.ru/post/76735/>
10. GLOBAL INNOVATION INDEX 2022. <https://www.globalinnovationindex.org/analysis-economy>
11. Khasanovna V. M. Current Tendency of Innovative Activity in the Country and //Journal of Accounting and Finance. – 2019. – Т. 19. – №. 1. – С. 53.